

# ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ,  
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 3 / 2015



# SAHIFALARIDA

## саҳифаларида

### НАСР ЖАВОХИРЛАРИ

- Лев ТОЛСТОЙ. Мен қандай қилиб  
жинни бўлдим. Ҳикоя ..... 56



### ҚҮНГИЛ САЛТАНАТИ

- Маҳмуд ТОИР. Тонгдан тилаганинг  
оппоқ нур бўлсин ..... 64

### САНЪАТ ФАЛСАФАСИ

- Муҳаммад ФОЗИЛИЙ. Тасвир ва  
тасаввур ..... 70

### ХАЗИНА

- Азизиддин НАСАФИЙ. Комил инсон  
китоби ..... 72

### ТАҚДИРДАГИ ТАДБИРЛАР

- Абдулла ХОЛМИРЗАЕВ. Қафасдаги шер  
наъраси ..... 82

### СИРЛИ САРҲАДЛАР

- Шомирза ТУРДИМОВ. "Борса келмас"даги  
хазина ..... 94

### ТАФАККУР ТАБАССУМИ

- Шодмон ОТАБЕК. Сўзга чечан  
машҳурлар ..... 104

### ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

- Карим БАҲРИЕВ. Дарёлар туташганда ..... 108



### ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

- Темирбек АМЕТОВ. Саҳро бағридаги  
мўъжиза ..... 118

- Шаҳноза САМИЕВА. Эстетик дид  
тарбияси ..... 120

- Муниса МУҲАММЕДОВА. Томошибинлар  
Луврдан нега норози? ..... 121

- Руслана ИСЛОМОВА. Мурғак дилга  
қанотдир кўшиқ ..... 123

- Бахтигул МАМАДАМИНОВА. Поёнига  
етмаган ислоҳёт ..... 124

- Хуршид ЖУМАНАЗАРОВ. Ҳам ҳукмдор,  
ҳам табиб ..... 126

- Журналнинг инглизча муҳтасар  
мазмуни ..... 127

# Ham hukmdor, ham tabib

Анъанавий табобатни илмий жиҳатдан асослаб, уни ривожлантиришга нафақат табибу ҳакимлар, айни чоқда, маърифатпарвар ҳукмдорлар ҳам катта ҳисса қўшган. Аввало шуни таъкидлаш керакки, бирор ижтимоий соҳа ёки фан тармоғининг тараққий этишида давлат томонидан яратилган имкониятларнинг ўрни бекиёс. Тарихимида эса ҳалқ табобатига айрича эътибор қараттан, ўзи ҳам табиблик билан шуғулланган давлат арбоблари талайгина.

Амир Темур ва унинг ворислари даврида бошқа соҳалар қаторида табобат ҳам ривожланди. Бобур Мирзо (ҳукмдорлик йиллари 1494–1530) саройида тиб олимларига қулай шарт-шароит яратилган эди. Бобур Мирзо табиблик билан шуғулланмаган бўлса-да, бу илмига ва унинг намояндадарига илтифот қўрсатган. “Бобурнома” асарида ҳам темурий ҳукмдор ўзи чалинган бъязи хасталиклар ва уларнинг муолажаси хусусида тўхталади (*Бобурнома*. Т., “Юлдузча”, 1989. 215-бет). Бундан ташқари, китобда муаллиф ўзи ҳукмронлик қўлган ҳудудларнинг иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, жумладан, Ҳиндистонда ўсадиган доривор гиёҳлар ҳақида қимматли маълумотлар беради (*Ўша асар*, 259–265-бетлар). Асарда ўз даврининг буюк табиби Юсуфий номи ҳам ҳурмат билан тилга олинади. Демак, Бобур Мирзо саройида бошқа касбу ҳунар эгалари қаторида табобат вакиллари ҳам қадрланган. Асарни синчилаб ўқиб, муаллиф табибу ҳакимлар салоҳиятини тўғри баҳолай оладиган даражада етук тиббий билимга эга бўлган, дея ҳулоса қилиш мумкин.

Хива хони Абулғозий ибн Араб Муҳаммадхон (ҳукмдорлик йиллари 1644–63) билимдон тариччи, моҳир шоир, тажрибали табиб ҳам эди. Унинг табобатга оид “Манофиъ ул-инсон” (“Инсон учун фойдалари дорилар”) асарида ҳалқ табобатининг бой тажрибалари кенг ҳалқ оммасига тушунлари тилда баён этилган. Муаллифнинг бошқа бир машҳур асари – “Шажараи тарокима”да келтирилган қуйидаги рақамга эътибор қаратинг: “Ўн олти орқа (авлод) тўрт юз йилда, ҳарчанд кўп бўлса, тўрт юз эпллик йилда ўтар... Ҳар минг йилда қирқ орқа (авлод) ўтса керак” (*Шажараи тарокима*. Т., 1995. 66-бет). Демак, ўша давр одамлари ўртacha 25–30 йил умр кечирган. Хива хони табиблар ва тиббий адабиёт этишмаслигини бунга асосий сабаб деб кўрсатади ҳамда табиблик билан шуғулланниб тўплаган тажрибалари асосида юқоридаги асарини ёзди (*Ғойилов М. Хива табиблари* // “Шарқ табобати”, 2000, 2-сон).

Абулғозийнинг “Манофиъ ул-инсон” асари тадқиқи замонавий табобатда кенг қўлланадиган анъанавий дори-дармонлар борасидаги тасаввурларни кенгайтиради. Муаллиф ҳар бир дорининг аниқ

дозаси, уни тайёрлаш усули ва истеъмол қилиш қоидаси ҳамда сақлаш йўлларини аниқ қўрсатиб беради. Умуман, XVII аср Хоразм давлатида табобатнинг ахволи ва ривожланиш даражасини қўрсатувчи бундан бошқа мукаммал асарни келтириш мушкул (*Гарлиев Г. Ҳукмдор табиб ва олим* // “Фан турмуш”, 1982, 12-сон).

Ўз даврида турли фан соҳалари қатори табобатни ҳам ривожлантиришга ҳисса қўшган ҳукмдорлардан бири Сайид Субҳонкули Муҳаммад Баҳодирхондир (ҳукмдорлик йиллари 1681–1702). Субҳонқулихон табибларга ғамхўрлик қўлган, ўзи ҳам табобатга оид рисола ёзиб қолдирган. “Аҳиё ат-тибб Субҳоний” (“Субҳонқулихоннинг табобатни жонлантириши”) асари ҳам Шарқ табобатининг бошқа манбалари каби қасалликларга қарши қўлланадиган содда ва мураккаб дориларга бағишланган. Асарнинг муқаддима қисмida инсон табиати, табибининг бурч ва вазифалари, саломатликка таъсир қўлувчи омилларга алоҳида эътибор қаратилган, шунингдек, саломатликни сақлашга доир қоидалар ва мижоз тушунчаси муфассал ёритилган. “Аҳиё ат-тибб Субҳоний” рисоласи Ўзбекистонда ҳалқ табобати анъаналарига оид қимматли манбалардан саналади.

Юқорида тилга олинган манбаларга таяниб ҳалқ табобати анъаналарини уч гуруҳга бўлиш мумкин: қасалликка ташхис қўйиш; дориларни тайёрлаш ҳамда истеъмол меъенини белгилаш; қасаллик турига кура муолажа белгилаш.

Албатта, ҳалқ табобати анъаналарининг юзага келишида Абу Али ибн Сино, Абу Бақр ар-Розий каби алломаларнинг хизмати катта. Ўрта асрларга келиб давлат арбобларининг табобатта эътибор қаратиши, айримларининг табиблик билан шуғулланниши эса мазкур анъаналарни янада бойитди.

Яқин ўтишимиздан маълумки, ўтган асрнинг 20-йилларида, яъни советлар ҳукмронлиги ўрнатилиши билан юртимизда табиблар синф сифатида тутатилди (*Юнусов Ҳ. Ҳалқ табобати равнақи* // “Шарқ табобати”, 2007, 4-сон). Натижада табобатнинг кўхна анъаналарини ривожлантириб, келажак авлодга етказиш мушкуллашди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ҳалқ табобати дурдоналари ҳамда табиб-олимлар фаoliyatiни ўрганишга кенг йўл очилди. Ўзбекистон ҳалқ табобати академиясининг ташкил қилиниши, 2010 йили Тошкентда Ибн Сино номидаги Ҳалқаро ҳалқ табобати ассоциациясининг тузилиши бу борада мухим қадам бўлди.

**Хуршид ЖУМАНАЗАРОВ,**  
ЎЗФА Тарих институти  
катта илмий ходим-изланувчиси